Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 16 декабрь, сешанба № 147 (22.230).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, боқимандалар ва тайёр маҳсулотлар қолдиқлари масалаларига оид кенгайтирилган кенгаш ўтказилди.

* * *

Бухорода бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодекси ва хўжалик процессуал кодексини ўрганиш» мавзуида минтақавий илмий-амалий семинарда Бухоро, Қашқадарё ва сурхондарёлик прокурорлар, судьялар, Тошкент юридик институти олимлари иштирок этишди. Улар Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган ва келгуси йил 1 январдан кучга кирадиган ушбу кодексларнинг моҳияти, улар асосида иш юритиш тартибига оид маърузалар тинглашди.

* * *

ТошДУда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Миср маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон ва Миср маданий алоқалари» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

* * *

Андижон вилоятининг иқтисодий харитасида яна бир истиқболли Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси пайдо бўлди. Унга «Алишер Навоий Интернешнл» деб ном берилди.

* * *

Навоийда бадиий гимнастика бўйича «Қизилқум олтини» деб номланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Россиядан спортчилар қатнашди. Юртдошларимиз иккинчи ўринни эгаллашди.

* * *

Шу йил 19-20 декабрь кунлари пойтахтдаги А. Навоий номидаги Санъат саройида «Қизиқчи-97» республика кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилади. Бу йилги танлов марҳум қизиқчи Собит Асомов хотирасига бағишланади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Япония банки яқин келажакда мамлакатдаги иқтисодий вазият ёмонлашиб бориб, иенанинг обрўси тобора пасайиши ва акцияларининг нархи тушиб боришини исботловчи маърузани эълон қилди.

* * *

Непаль мамлакатининг божхонасида антиқа ҳол юз берди. Юз килограмм олтин олиб чиқиб кетаётган Шимолий кореялик дипломат ва унинг хотини ушланди. Олтин эса мусодара қилинди.

* * *

Камбоджадаги энг йирик мухолифотчи партия ҳукуматни «қизил кхмерлар» ҳаракатини тўхтатиш ҳақидаги қонунни ўзгартиришга даъват этди.

* * *

Кеча Финляндия ташқи ишлар вазири Эстония парламенти аъзоларини Европа Иттифоқининг Люксембургдаги сессияси натижалари билан таништирди. Энди унинг Эстония Президенти Леннарт Мери билан учрашуви бўлади.

* * *

Дастлабки маълумотларга кўра, Португалиянинг маҳаллий органларига сайловларда ҳукмрон социалистик партия вакиллари пешқадамлик қилаётир.

* * *

АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Франция ўз ёндашувларида ҳамфикр эканликларни билдиришди, деди БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси раиси Ричард Батлер.

* * *

НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари қўмондони ўринбосари генерал Жереми Макензи Литвага расмий ташриф билан келди.

* * *

АҚШга ташриф билан келган «Толибон» ҳаракати делегациясини давлат департаментининг йирик вакили қабул қилди.

* * *

Англия қироличаси Елизаветта II машҳур қўшиқчи ва бастакор Элтони Жонга рицарь унвонини берди.

* * *

Греция Президенти Константинос Стефанопулос расмий давлат ташрифи билан Украинага келди.

* * *

Коми Республикаси ҳукумати билан Белорусь Республикаси ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекишмоқчи.

* * *

Минскка келган АҚШ делегацияси вакиллари Белорусь билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларда юз берган муаммоларда бир-бирини тушуниш пайдо бўлади, деб умид билдиришди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ – ХИТОЙ ТИЛИДА

1997 йилнинг 13 декабрь куни Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлди.

Китоб хорижий ижтимоий-сиёсий адабиёт ва жаҳон маданияти асарларини чоп этишга ихтисослашган Хитой давлат «Халқаро маданият» корпорациясида нашр этилди.

Китоб Хитой Ижтимоий Фанлар Академиясининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти эксперт-таржимонлари томонидан таржима этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, ХХР темир йўллари вазири Хань Чжубинь, Хитойнинг бошқа вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олимлар, зиёлилар, ишбилармонлар вакиллари, шунингдек, Пекиндаги хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари иштирок этишди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Хитой давлат «Халқаро маданият» нашриёти корпорацияси бош директори Чжан Гуйлай, китобни нашрга тайёрлашга хитойлик китобхонларнинг Марказий Осиё давлатлари, айниқса, минтақада барқарор ва тобора муваффақият билан ривожланаётган Ўзбекистоннинг минтақа муаммоларига бўлган катта қизиқиши туртки берди, деб таъкидлади.

— Президент И. Каримов амалга ошираётган ислоҳотларнинг назарияси ва амалиёти ХХРда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ривожи учун алоҳида қизиқиш уйғотади, — деди Чжан Гуйлай.

Бош директор Ўзбекис-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ – ҲИНДИСТОНДА

Жаҳон жамоатчилигининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бўлган чуқур қизиқишини ушбу асарнинг Деҳлида ўтказилган тақдимномаси яна бир бор намойиш этди. Маросим Ҳинд халқаро марказида Ж. Неру номидаги университетнинг Ҳимолой ва Марказий Осиё тадқиқотлари жамғармаси иштирокида ўтказилди. Тақдимнома маросимида Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи етакчи олимлар ва сиёсатшунослар, журналистлар, ҳинд дипломатлари ҳамда мамлакатда рўйхатдан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчиси И. Неъматов ўз маърузасида Ислом Каримовнинг ўзбек, инглиз, рус, француз, немис, турк ва араб тилларида нашр қилинган янги китоби кун сайин жаҳоннинг турли мамлакатларида минглаб янги эътиборли ва холис ўқувчиларни топаётганлигини, Ўзбекистонда ва минтақада содир бўлаётган жараёнларни, республиканинг халқаро майдондаги ташаббусларини тушунишга қўл келишини таъкидлаб ўтди.

Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг собиқ котиби, узоқ йиллар мамлакатнинг собиқ СССРдаги элчиси лавозимида ишлаган Т. Каул ўз нутқида Ислом Каримов китобининг дунё юзини кўриши дипломатлар учун курраи заминнинг турли нуқталаридаги келишмовчилик марказлари пайдо бўлишидаги омилларни англашда ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлганини таъкидлади. Ислом Каримовнинг илмий асарида кенг ёритилган минтақавий хавфсизлик, терроризм, наркотик контрабанда, қуролларнинг ноқонуний савдоси муаммоларига муносабати ҳозирги замонда ушбу масалаларни ҳал қилиш мумкинлигига ишонч уйғотади. Т. Каул шунга ишонч билдириб, 1966 йилда Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳарбий зиддиятларни барҳам топишига эришган Тошкент Тожикистон ва Афғонистонда тинчликни ўрнатиш учун барча имкониятларни қўллайди, деди.

— Айтсак муболаға бўлмайдики, Ислом Каримовнинг китоби кўплаб одамлар учун кундалик қўлланма бўлади. — Украинанинг Ҳиндистондаги элчиси Г. Ходоровский ўз нутқини ана шу сўзлар билан бошлади. — Ушбу асарда мустақилликнинг олти йили давомида мамлакат ҳаётида

(Давоми 2-бетда).

ҚАРДОШ ХАЛҚНИНГ ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12—13 декабрь кунлари Қозоғистоннинг янги пойтахти — Ақмола сафарида бўлди.

Қозоғистонга сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мамлакатимиз раҳбари ушбу ташрифдан асосан икки мақсад кўзланганини таъкидлаган эди. Уларнинг бири Ақмола аэропортидаёқ ўз ифодасини топди: Ислом Каримов Қозоғистон пойтахти сифатида иш бошлаётган Ақмола аҳлига самимий оқ фотиҳа берди. Шунинг учун мазкур сафар ҳақидаги мулоҳазаларни оқ фотиҳа олган Ақмола ҳақидаги маълумотларни келтириш билан бошлаш ўринсиз бўлмас.

Аввалига Акмолинск, кейинроқ Целиноград номини олган бу шаҳарга Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ақмола номи берилган. Янги пойтахт аҳолиси қарийб 300 минг кишидан иборат. У қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва озиқ-овқат саноати маркази ҳисобланади.

Президент Н. Назарбоев 1994 йилнинг 9 июнида Қозоғистон Олий Кенгаши йиғилишида мамлакат пойтахтини мана шу шаҳарга кўчириш таклифини илгари сурди. Олий Кенгаш таклифни маъқуллади. Таъкидлаш жоизки, пойтахтни бошқа шаҳарга кўчириш қатъият ва журъат, жасорат ва масъулият билан бирга катта харажатларни ҳам талаб қилади. Шу боис, у ерда катта қурилишлар, инфратузилмани тубдан ўзгартириш ишлари бошланди. 1996 йил кузида Президент Н. Назарбоев Фармони билан Ақмола махсус иқтисодий зонаси ташкил этилди. Шаҳарга четдан сармоя киритишни рағбатлантириш мақсадида солиқлар, божхона тўловларида енгилликлар жорий этилди. Бу тадбирларнинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунга келиб Ақмола шаҳри ўзида пойтахт қиёфасини мужассамлаштира бошлади.



Суратда: Ислом Каримовнинг Ақмолада бўлиши.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ақмолага ташрифи ҳам шаҳар билан танишувдан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари ҳамроҳлигида Қозоғистон Президенти маъмуриятининг янги биносига ташриф буюрди. Сўнг уч давлат раҳбарлари Қозоғистон Президенти саройига йўл олдилар. Яқинда қурилиши туғалланган, ҳар қадамда янгилик ифори келиб турган мазкур сарой меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди. Президентлар тантаналар зали, ишонч ёрлиқларини топшириш маросими ўтадиган ва бошқа залларни кўздан кечиришди.

Президент саройининг шарқий залида эса, уч мамлакат раҳбарларининг Давлатлараро Кенгаш Мажлиси доирасидаги ёпиқ учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар суҳбатининг бош мавзуси уч мамлакат ўртасидаги ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида 1994 йилнинг апрелида тузилган шартноманинг амалга оширилиш жараёни, шунингдек, ушбу шартнома доирасида энергетика, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация ҳамда минерал хом ашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузишдан иборат бўлди. Шунингдек, 2000 йилгача мўлжалланган дастур ҳамда 1998 йили ҳамкорликда амалга ошириш белгиланган тадбирлар ҳам Президентларнинг диққат марказида бўлди.

Маълумки, халқаро консорциумлар тузишдан жуда кўп хайрли мақсадлар кўзланган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 16 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	52,39
1 Австрия шиллинги	6,36
1 Англия фунт стерлинги	131,16
10 Бельгия франки	21,68
1 Голландия гульдени	39,70
10 Греция драхмаси	2,85
1 Дания кронаси	11,74
1 БАА дирхами	21,65
1 АҚШ доллари	79,53
1 Миср фунти	23,43
1 Ирландия фунти	116,03
1 Исландия кронаси	1,11
10 Испания песети	5,29
100 Италия лираси	4,56
1 Канада доллари	55,97
1 Хитой юани	9,61
1 Кувайт динори	260,86
100 Ливан фунти	5,19
1 Малайзия рингги	20,86
1 Германия маркаси	44,72
1 Норвегия кронаси	10,92
1 Польша злотийси	22,43
10 Португалия эскудоси	4,39
1 Сингапур доллари	48,11
1000 Туркия лираси	0,40
1 Финляндия маркаси	14,82
1 Франция франки	13,36
1 Швеция кронаси	10,21
1 Швейцария франки	55,33
1 ЭКЮ	88,26
10 Жанубий Корея вони	0,48
10 Япония иенаси	6,06
1000 Россия рубли	13,40
1 Украина гривнаси	41,97
1000 Белорусь рубли	2,62
1 Эстония кронаси	5,59
1 Латвия лати	134,11
1 Литва лити	19,88
1 Қозоғистон тенгеси	1,05
1 Қирғизистон соми	4,57

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ГАЗИМИЗ БОР... ЎТИН ЁҚАМИЗ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Бир пайтлар Газли гази Уралга бориб етганда бухороликлар ўчоғида ўтин бурқсирди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Бу, албатта мустақиллик шарофати. Ўтган олти йил ичида аҳолини газ билан таъминлаш мисли кўрилмаган даражада ошди. «Вилоятгаз» бошқармасидан олинган маълумотга қараганда, ҳозиргача вилоятда газлаштириш режаси 82 фоизга бажарилган. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 324 километр газ қувурлари тортилиб, ишга туширилган. 9838 хонадонга табиий газ уланган. Айни пайтда 10 та ГРС — газ тарқатиш станцияси орқали вилоят аҳолиси арзон ёқилғи билан таъминланиб турибди.

Бу билан ҳамма иш «беш» демоқчи эмасмиз. Қиш эшик қоқиши билан вилоятнинг Шофиркон, Вобкент, Олот, Қоракўл, Пешку туманлари аҳолисининг ташвиши ортди. Хўш, нега? Бу туманларда газлаштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилганми, таъминот қандай? Очиғини айтадиган бўлсак, униси ҳам, буниси ҳам яхши эмас. Шофиркон туманида аҳолини табиий газ билан таъминлаш режаси 50,2 фоизга уддаланганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Ҳудудимизда 30 та жамоа хўжалиги бор, — дейди «Шофирконгаз» идораси бошлиғи Баҳодир Маликов. — Шундан саккизтаси газлаштирилган. Шу йилнинг ўзида 900 хонадонга газ киритилди. Ҳозирги кунда 11 мингга яқин хўжалик «зангори олов»дан баҳраманд бўляпти. Зеро, Додбону, Кўляви, «Ёш коммуна», «Чиғилбақ» қишлоқлари хонадонларига қувурлар тортилган-у, газ қўйилганича йўқ. Сабаби таъминот чатоқ. Туман бор-йўғи 0,1 атмосфера босимли газ оляпти. Аслида эса 3 атмосфера босимли газ керак. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг қарзлари 13 миллион сўмни ташкил этади.

— Не ниятлар билан хонадонимизга табиий газ ўтказгандик, — дейди Вобкент шаҳрининг Мўғиён кўчасида яшовчи Юсуф Очилов. — Мана, кўриб турганингиздек, газ ўрнига ўтин ёқяпмиз. Билмадик, бу аҳвол қачонгача давом этади? Йил-ўн икки ой газдан «фойдаланганимиз»ни пеш қилиб, газ идорасидагилар пул олмагунча қўймайди. Емаган сомсага пул тўлайверамизми?

Мурод Жўрабоев номли жамоа хўжалигининг 4-бригадасида бўлганимизда аҳоли ҳасратидан чанг чиқди.

— Уйни иситиш у ёқда турсин, овқат пиширолмаймиз, — деди Саодат Боқиева. — Хайриятки, ғўзапоямиз бор экан, шу яраяпти. Олдимиз қиш-қировли кунлар...

— Ҳа, қишнинг уйи тор. Бизга ҳар кеча-кундузда 300 минг кубометр газ керак бўлади, — дейди «Вобкентгаз» идораси бошлиғи Н. Мустафоев. — Амалда эса 135-140 минг кубометр газ оляпмиз. Шу боис аҳолининг эътирози ҳақли. Бунинг устига қарзлар ошиб боряпти...

Муаммолар кўп. Газлаштириш режаси 59 фоизга бажарилган бу туманда ишни ниҳоясига етказиш учун яна икки йил керак бўлади. Ҳозир газ босимининг пастлигидан шаҳардаги 2,5 минг аҳоли, 11 та саноат корхонаси, 68 та маиший-коммунал хизмат шаҳобчалари азият чекяпти. Қишлоқ аҳолисининг шу кунги аҳволини айтмаса ҳам бўлади.

Хўш, шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: бўзчи белбоққа қачон ёлчийди? Ахир, газ ўзимиздан чиқса, босим нимага паст?

— Юқорида номлари тилга олинган туманларда газ таъминотини яхшилаш мақсадида, — дейди «Вилоятгаз» бошқармаси бошлиғининг қурилиш бўйича муовини Бахтиёр Гулимов, — Газли—Чимкент газ трассасидан Вобкент тумани марказигача қувур тортиляпти. Вилоят ҳокимлиги томонидан назорат қилинаётган бу трассада 18 километр иш бултур бўлганди. Жорий йилда эса 14 километр қувур ётқизилди. Яна 11 километр масофага қувур ётқизилса бас, муаммо ҳал бўлади. Лекин маблағ йўқ, шу боис иш тўхтаб турибди. Ҳозир Олот, Қоракўл туманларидаги аҳволни ўнглаш учун ҳам қизғин иш олиб бориляпти.

Қизиқ, ҳар йилгидек бу йил ҳам айни қиш палласида газчилар ҳаракатга тушаяптилар. Саратонда таъминот ва таъмирлаш ишлари уларнинг хаёлига келмайдими? Бугун салмоқли рақамлар ортидан эсаётган изғириндан касалхоналар, болалар боғчалари, мактаблар, минг минглаб хонадонлар азият чекаётганини улар пайқашмайдими?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЎЗЧИ ҚАЧОН БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИЙДИ?

Яқинда бир танишим айтиб қолди:

— Биттасидан салкам беш мингга 1 тонна кўмир олдим. Газга ишонсам, қишда чақалоқни шамоллатиб қўйиш ҳеч гапмас. Боз устига дори-дармон ҳам осмонда бўлса...

Дарвоқе, бугун вилоятда кўмир истаганлар жуда кўп. Энг ачинарлиси, сарсон бўлиб юрганларнинг аксари уйига табиий газ тушмаган.

Янгиқўрғон туманидаги расмий идораларда ишга қандай келинса — шундай кетилади. Ечиниш- кийиниш шарт эмас. Газ кам, батареялар суви илиқ-милиқ холос...

Чортоқ шаҳрида чуноннам ўриклар бўларди, ҳавас қилмаган йўқ эди. Шаҳар маҳаллаларига газ оралагандан бери қишда ўрик йиқитилади. Ҳа — газ кам! Ўтин керак!

Бундай далилларни Чустнинг Олмоси-ю, Ғовасидан, Учқўрғон, Норин, Уйчи туманларидан, Наманган шаҳридан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Хўш, сабаб нима?

1997 йилнинг ўтган даври мобайнида 291 километр янги газ тармоғи тортилди. Бу, албатта яхши. Лекин, тармоқ кенгайгани сари «қозон»да газ ҳам кўпайяптими?

— Очиғини айтсам, йўқ, босим кўп ҳолларда ўша-ўша, - дейди «Наманганг-аз» вилоят бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Тожибоев. — Лекин, ўзимизда ҳам айб бор, ука. Ҳозир аҳолининг ўзидан 64 миллон сўм газ ҳақини йиғиб ололмадик.

Бу ҳам бор гап. Ёзда бўлиб, қишда шамчироқдай липиллаб қоладиган, ҳатто чой қайнатишга қодир бўлмаган бу газ учун «газчи»лар аҳолидан қайси юз билан бориб пул сўрайдилар?! Албатта, инсофли, диёнатли фуқаролар ҳам борки, вақтида борига шукр, қабилида ҳисоб-китоб қилиб қўйишяпти.

Яна бир қизиқ ҳолат. Совуқ кучайса, газ камаяди, ҳаво илиса тескариси. 1—7 декабрь кунларидаги изғиринда айрим хонадонларда газ ёниши тугул, оз-моз ҳидини ҳам топиб бўлмади. Ҳозир сал ўзгарди. Боиси...

Вилоятда газда ишлаётган 192 та саноат корхонасидан 154 тасида, 1380 та катта-кичик корхона ва ташкилотларга табиий олов бериш тўхтатилди. Шундан кейингина аҳолидан эътироз камайди.

Назаримизда, бу ҳам тўғри йўл эмас. Негаки, гази тўхтаган корхона ва ташкилотларда ҳам одамлар ишлайди. Улар ҳам инсон, иссиқлик керак.

Ҳозирги пайтда вилоят бўйича 35-40 фоиз аҳоли учун газ тақчиллиги сезилмоқда. Республика газга дахлдор идора раҳбарлари эса вилоятни газ билан таъминлашга ҳамон панжа орасидан қарашмоқда. Ўтган йил қиш мавсумида 100 миллион куб метр ҳажмда кам газ ажратилди. Шу йилнинг ноябрь ойида олинмаган газ миқдори эса 40 миллионни, декабрнинг ўтган 12 кунида эса 21 миллион кубни ташкил этган. Атмосфера босими ўлчагичида газ доимо ярим-ёрти. 10—12 атмосфера босим олиши керак бўлган Наманган шаҳри зўрга —5, Уйчи, Чортоқ туманлари 5-6 ўрнига 1 атмосфера босимидаги газни олаяпти, холос.

ҚОЗОНДА БОРИ ЧЎМИЧГА ЧИҚАРМИШ...

Халқимиз қозонда бори чўмичга чиқади, дейди. Қозонда кам бўлса-чи, дейсизми? Ахир юртимизда газ конлари кўп-ку. Одамлар кўпроқ шу ҳақда ўйлашмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: «Зангори олов», арзон ёқилғи, деб эъзозланадиган газ миллий бойлигимиз. Одамлар бундай қулай ва тоза ёқилғидан фойдаланишга ўрганиб қолишган. Юқорида икки вилоят мисолида газ ва газлаштиришга бўлган муносабат, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида фикр юритилди. Ечимини кутаётган бундай муаммолар бошқа вилоятларда ҳам оз эмас. Газлаштириш бошқармаларининг масъул ходимлари ўз ишларига сидқидилдан ёндошишса, халқимиз қиш-қировли кунларда иссиққа муҳтож қолмайди. Ўйлаймизки, мулоҳазали фикрлар жойларда газ билан боғлиқ юмушларни ҳал этишда ижобий таъсир кўрсатади.

ҚАРДОШ ХАЛҚНИНГ ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, биргаликда амалга оширилaдиган тадбирлар орқали Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, минтақадаги энергетик, ер-сув, минерал хом ашё, меҳнат ва бошқа заҳираларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, халқаро консорциумлар ташкил этиш орқали, уч мамлакат ўртасида ишлаб чиқариш ва технология соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнини янада фаоллаштириш, иқтисодий тузилмаларни замон руҳига мос тарзда қайта тузиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган даражага чиқариш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга эришиш мумкин. Бу эса, минтақамиз мамлакатлари учун хориждаги бозорлар сари кенг йўл очади, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув суръатини оширади.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларининг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш орқали, жаҳон иқтисодиёти сари интеграциялашуви ўзининг яна бир муҳим томони билан эътиборни жалб қилади. Яъни, бу ўзига хослик шундан иборатки, интеграция жараёнларида иштирок этишнинг йўналиш ва шаклларини ҳар бир мамлакат ўзи белгилайди, қолаверса, мамлакатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг барчаси босқичма-босқич амалга оширилади. Бу эса, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари, жўғрофий жойлашуви ва меҳнат заҳираларини ҳисобга олган ҳолда баҳамжиҳат ишлаш имконини беради.

Ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда, учрашувда Президентлар асосий эътиборни халқаро консорциумлар тузиш масаласига қаратди. Учрашув иштирокчилари биринчи навбатда сармоявий лойиҳалар тузилиши лозим бўлган соҳалар, уларни молиявий таъминлаш тартиби, тузилажак консорциумлар таркиби, уларни бошқариш тамойиллари, консорциумлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Хусусан, божхона ва солиқ тизимлари, нарх белгилаш ва пул-кредит сиёсати бўйича мамлакатларимизда амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш ҳамда бу борада ўзаро уйғунликка эришилмаган томонларни камайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Президентлар халқаро консорциумлар тузиш бўйича уч мамлакат ҳамкорлиги тамойиллари концепциясини маъқулладилар.

Президентлар учрашуви ниҳоясида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев очиб, уч давлат раҳбарининг мулоқоти мунозараларга бой бўлгани, томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришилганини маълум қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, аввало давлатлараро кенгаш мажлиси хайрли тадбирлар — Қозоғистон мустақиллигининг 6 йиллик байрами ва мамлакат ҳукуматининг янги пойтахт — Ақмолада иш бошлагани билан боғланиб кетганидан мамнуният билдирди.

— Учрашувимизнинг тарихий воқеалар билан узвий боғлиқликда ўтаётгани алоҳида эътиборга лойиқ, — деди Ислом Каримов. — Мен мана шу тарихий кун билан Президент Н. Назарбоевни, Ақмола аҳлини, бутун Қозоғистон халқини табриклашни истардим. Зеро, табиатнинг ўзи Ақмолани ажойиб сифатлар билан — катта иқтисодий, коммуникациявий, технологик имкониятлар билан бойитган. Ушбу шаҳар Қозоғистон пойтахти бўлиш, пойтахт даражасидаги буюкликни қўлга киритиш учун барча имкониятларга эга. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахтни кўчириш катта журъат талаб қилади ва бундай қарорни қабул қилган кишилар зиммасига катта ва оғир масъулият юклайди. Бундай масъулиятни ҳар ким ҳам қатъият билан ўз зиммасига ололмайди.

Президентлар уч мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти, уларнинг интеграция жараёнига кўрсатаётган таъсири ҳақидаги саволларга жавоб қайтариб, бу борада фикрлар яқдил эканини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари собит қадамлар билан барқарор тараққиёт йўлидан бормоқда, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Бунга мисол сифатида биргина Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки («ЦентрАзбанк») фаолиятини тилга олишнинг ўзи ҳам кифоя. Мазкур банк ҳозирги кунда уч мамлакат ҳудудидаги ўнга яқин лойиҳани молиялаштирмоқда. Яқин келажакда эса яна ўнга яқин йирик лойиҳа бор. «ЦентрАзбанк» хорижий сармоя жалб этиш, турли тўловларни амалга ошириш ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Бошқача айтганда, мамлакатларимиз ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган беғараз ва манфаатли ҳамкорлик, замон руҳидаги интеграция жараёни қандай бўлиши лозимлигини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатаётир.

Шу хусусда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бундай деди:

— Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлиги МДҲ низомига хилоф келмайди. Мисол учун биргина сув энергетикаси заҳираларини олайлик. Мамлакатларимизнинг айрим ҳудудлари энергетика истеъмоли жиҳатидан бир-бирига қўшилиб кетган. Уларни ажратишнинг ўзи мумкин эмас. Шу боис, бу соҳада ҳамкорлик қилишимиз учун алоҳида «иттифоқ» тузишнинг ҳам ҳеч кераги йўқ. Бу — ҳаётий зарурат, давр талаби. Масалага сиёсий тус бермасдан, муҳим омилларни тан олиш, эътироф этиш ва шунга кўра иш тутиш лозим. Бошқа соҳалар бўйича ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин.

Қозоғистон раҳбари уч мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапириб, бу каби очиқ, беғараз, самимият билан йўғрилган муносабатлар бошқа ҳеч маҳал, ҳеч қаерда учратилмаганини айтди.

Ақмолага ташрифнинг иккинчи куни Президентлар янги пойтахт билан танишувни давом эттирдилар. Дастлаб Президент маъмурияти ходимлари учун қурилган 16 қаватли бино, сўнгра «Казахойл» миллий-нефт-газ компаниясининг янги биноси ҳамда қурилиши ниҳоясига етаётган «Алатау» меҳмонхонаси кўздан кечирилди.

Пойтахтдаги янги бинолар билан танишиб бўлгач, Президентлар шаҳар чеккасидаги сиёсий қатағон қурбонлари хотирасига қурилган ёдгорлик томон йўл олишди. Бу ерда ёдгорликнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар ёдгорлик пойига гул қўйдилар.

Маросимдан сўнг, Президентлар Ақмола яқинида барпо этилган янги турар-жой мажмуи билан танишдилар.

Куннинг иккинчи ярмида иш ва маданий ҳамкорлик марказида Қозоғистон мустақиллигининг олти йиллиги ва Ақмоланинг янги пойтахт, деб эълон қилинганига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Тантанали маросимни Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев очди.

Тантанада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президентимиз Қозоғистон халқини икки улуғ байрам билан самимий қутлаб, Қозоғистоннинг миллий мустақиллиги Ўзбекистон халқи учун ҳам байрам эканини таъкидлади Ислом Каримов, ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатларимиз бошқа давлатлар ўнлаб, ҳатто юзлаб йиллар давомида эришиши қийин бўлган ютуқларни қўлга киритгани, шу билан бирга, бу давр ичида ҳар бир республика кўплаб тажриба орттирганини қайд этди. Дарҳақиқат, шу қисқа вақт мобайнида мамлакатларимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ўрнатилди, макроиқтисодий кўрсаткичлар юксалди, иқтисодий ўсиш учун зарур пойдевор яратилди, кишиларимизнинг тафаккури, дунёқараши, онги ўзгарди, жамият маънавий юксалиш томон юз бурди. Буларнинг барчаси, шубҳа йўққи, мустақиллик туфайли содир бўлаётир.

Ислом Каримов Н. Назарбоевга Самарқанддаги машҳур Регистон мажмуининг суратини тақдим этди.

— Бу — Регистон мажмуи, — деди Ислом Каримов. — У ёши 2500 дан ошган Самарқанддаги энг нодир дурдоналардан биридир. 2500 ёшга кирганда Ақмола ҳам мана шундай дурдоналарга эга бўлсин. Тантанали маросим санъат усталарининг катта концертига уланиб кетди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов, пойтахт ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Ақмола — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ – ХИТОЙ ТИЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

тон Республикаси Президентининг китоби Хитой тилида нашр этилиши, Хитой халқининг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурини бойитади, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишига ишонч билдирди.

Мазкур китобнинг сиёсатшунослар, жамоатчилик вакиллари учун алоҳида аҳамияти ҳақида ХХР Ижтимоий Фанлар Академиясининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори профессор Чжан Вэньу тўхталиб ўтди. Ўз сўзида у «Китобда давримизнинг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари чуқур таҳлил этиб берилган, унда нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлигини таъминлаш кўрсатиб ўтилган», деди. Нотиқ китоб институтнинг малакали мутахассислари томонидан хитой тилига ўгирилганлигини мамнуният билан айтиб ўтди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёда йирик мамлакат, Хитойнинг муҳим ҳамкори, бу эса ХХРнинг унинг ички ва ташқи сиёсатига бўлган манфаатларини кўрсатади, — дея таъкидлади Хитой замонавий халқаро муносабатлар институти директори ўринбосари профессор Чжан Бужэнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти китобига бағишланган тақдимот маросими Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хитойнинг илғор «Синьхуа» агентлиги бу воқеага бағишланган мақолаларни тарқатди.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ – ҲИНДИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

рўй берган улкан ўзгаришларга аниқ таъриф берилган. Украина Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга ҳамда иқтисодий ва маданий алоқаларни бундан кейин ҳам кенгайтиришга катта аҳамият беради.

Ўзбекистон давлати раҳбари биринчи бўлиб ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи жараёнлар илдизини очиб берди. Украиналик дипломат мазкур китобда қўйилган муаммоларнинг долзарблигини тушуниш ва ҳар биримиз учун келажак авлод олдидаги мажбуриятни ҳис қилиш имкониятини беришини ҳам айтиб ўтди.

Туркманистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Ч. Рустамова Ўзбекистон Президентининг минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш, бу ерда яшовчи халқлар миллий ўз-ўзини англашининг қайта тикланишига қўшган ҳиссаси тўғрисида гапириб, сўзида давом этди: «Ислом Каримов ўз асарида МДҲ давлатлари раҳбарларидан биринчи бўлиб эътиборни қайсидир мамлакатда пайдо бўладиган муаммо бора-бора у минтақавий ва кейинчалик ҳатто глобал аҳамиятга етиши мумкинлигига қаратади. Бу муаммоларнинг сабабини тушуниш ва шу юзасидан ўз вақтида чоралар қабул қилиш — мана шулар айни пайтда ҳар қандай сиёсатчи ва давлат арбоби фаолиятининг асоси бўлмоғи керак».

Ислом Каримов асарининг тақдимнома маросимида, шунингдек, Ҳиндистонда фаолият юритаётган хорижий дипломатик ваколатхоналар вакиллари, Ж. Неру университети олимлари, Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимлари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Аслом АКБАРОВ,
«ЖАҲОН» АА мухбири.
Деҳли.

Менда таклиф бор

МАҲАЛЛАНГИЗ ОБОДМИ?

Ҳар қандай хайрли тадбир аввало маҳалладан бошланади. Оқсоқол эса маҳалланинг ҳокими. Ҳар бир маҳаллада соғлом турмуш тарзининг вужудга келиши, оилаларнинг тинч-тотувлиги, барқарорлиги, жиноятларнинг кескин камайиши, қолаверса, ўзи яшаб турган ҳудуднинг ободонлашуви оқсоқол, унинг котиби ва маслаҳатчиларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Яна шу нарсани айтиш жоизки, кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳаллаларда яшовчи кўплаб фуқароларда енгил автомобиллар мавжуд. Уларнинг ҳаммасида ҳам машина сақлайдиган гараж бор эмас. Биз бу билан гаражлар сонини кўпайтириш керак, демоқчи эмасмиз. Борларини тартибга солиш тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Айрим маҳаллаларда гаражларнинг қўпол, қинғир-қийшиқ жойлашуви натижасида атрофи ахлатхона бўлиб ётганини кўриб, кўнглингиз ҳижил бўлади. Бундай ҳолатлар маҳалла ободончилигига путур етказмай қолмайди, албатта.

Таклифим шуки, ўз-ўзини бошқариш органлари, яъни маҳаллаларнинг оқсоқоллари йилда бир ёки икки марта «Маҳалла ҳафталиги» тадбири ўтказиб, мавжуд камчиликларни бартараф этсалар айни муддао бўларди. Мамлакатимиз миқёсида оила тотувлиги, турли жиноятларнинг камайиши, маҳалла ободончилиги бўйича ғолиблар аниқланиб, матбуотда эълон қилинса ва мукофотлар билан рағбатлантирилса ёмон бўлмасди.

Азамат СУЮНОВ.

Хатлар, хатлар, хатлар

ИШИНГИЗ ЯХШИЛАРГА ТУШСИН

Яқинда хизмат сафарц билан хорижга борадиган бўлиб қолдим. Талаб этиладиган барча ҳужжатларни тайёрлашга киришдим. Сўнги фурсатларда кичик бир хатоликка йўл қўйилгани маълум бўлиб қолди. Бунинг натижасида хизмат сафарига боролмаслигим мумкин экан. Мен мушкул вазиятда қолдим. Чунки бир ёқдан вақт оз қолган, иккинчи ёқдан хизмат сафарини кечиктириш ёки қолдириш мумкин эмас. Шундай пайтда аҳволимни тушунган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент шаҳар бўлим ходимлари Элен Бозорова ва Фотима Юнусова менга яқиндан ёрдам бердилар. Мазкур камчиликни қандай қилиб қисқа фурсатда бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар. Уларнинг маслаҳати билан ҳужжатларни тезда тахладим ва хизмат сафарим кўнгилдагидек ўтди.

Мумкин бўлса, Э. Бозорова ва Ф. Юнусовага газета орқали ташаккур билдиришни лозим деб топдим.

Шокир ШАРИПОВ.

ОВОРАГАРЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Ўзбекчилик экан, минг хил андишаю хаёлларга бориб ушбу хатни ёзайми, ёзмайми деб анча иккиланиб юрдим. Лекин бир неча ойлардан бери ўз болаларига нафақа пулини ололмай сарсону-саргардон юрган оналар кўз олдимга келиб ҳар қандай андишани четга суришга қарор қилдим.

Гап шундаки, Халқ банкининг Тошкент вилоят бошқармасига қарашли Қибрай тумани Салор қўрғонида жойлашган 3568/049 кассага болалар учун белгиланган нафақа пулини олишга боргандим. Менга у ердаги кўҳликкина қиз, кўчамни, маҳалламни номини сўраб, мен бу кассадан эмас, Тошкент шаҳар 2-сил касалликлари дам олиш маскани ҳудудида жойлашган 79-кассадан пул олишимни айтди. Мен унга у жойнинг доим ёпиқлигини, кассир Расулова Наргиза у ерга хоҳласа келиб, хоҳламаса келмаслигини айтдим. У менга қараб елка қисиб қўйди. Мен орқамга қайтиб, 79-кассага бордим. У ерда 6-7 та аёл навбатга туриб, гаплашиб ўтиришарди. Мен улардан пул қачон бўлишини сўрадим. Ёши 40 ларга борган бир аёл аччиқланиб «Мана икки ойдан бери шу кассаю кассир қизнинг уйи ўртасида бўзчининг мокисидек қатнайвериб сарсон бўлиб кетдим. Кассага пул келса кассир йўқ, кассир бўлса пул йўқ. Шу кассир қиз Наргизанинг ҳар хил гаплари жонга тегди» деса, бошқа ёшроқ жувон «Мен олдинги ойдаги пулимни сўраб неча марта келдим, лекин доим эшиги ёпиқ. Уйи яқин деб уйига борсанг уйидагиларнинг жаҳли чиқади. Биз эса пулни ололмай оворамиз», — дейди қўлидаги боласини овутиб.

Ўйлаб кўрсам, ўзим ҳам ҳар ой шу болалар нафақасини оламан деб доимо юрагим ҳалак. Гоҳида жаҳл устида кассир қизга қаттиқроқ гапириб юборасанг, «Мен нима қилай банкда пул йўқ», — деб туради.

Пулни ололмагач анча асаббузарликлар бўлади.

Президентимизнинг 1998 йилни — Оила йили деб эълон қилганларини эшитиб жуда қувондик. Балки бизнинг ушбу муаммолар келгуси йили ўз ривожини топар деб умид қиламиз.

Мунира АЗИМОВА.

Партия ҳаёти

Ҳаёт ҳеч вақт кутиб турмайди. Юртимизда кечаётган бемисл ўзгаришларда ҳар кимнинг ўз ўрни, айтар сўзи, орзу-мақсадлари бор. Бу борада ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгаши фаоллари ўз вазифаларини теран тушунмоқдалар. Ушбу мақола улар фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳақида.

Бўйчан, кулимсираб турадиган бу кишининг ишлари ҳақида вилоят кенгаши партия пленумида илиқ гапларни айтишди. Хусусан, вақтли матбуот нашрларига обуна даврида юқори натижаларга эришганлари учун ХДП Марказий Кенгаши томонидан тақдирланганлари ҳам кўп нарсадан далолат бериб турибди. Очиғи, партия фаоллари қандай қийинчиликларни енгиб ўтишаётганларини ҳар вақт ҳам билавермаймиз. Олайлик, ўтган йили вилоятда қурғоқчилик келганлиги туфайли қишлоқ хўжалик экинлари яхши битмади. Бу ўз-ўзидан иқтисодга таъсир кўрсатди.

Ғаллакорлар, пахтакорлар, ишчилар ҳузурида Мансур Остоновни бир неча бор учратганман: У дилдан суҳбатлашар, ўқиш-ўрганиш, маърифатнинг нечоғлиқ зарурлигига суҳбатдошларини ишонтира оларди. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон овози» ва бошқа нашрларга обуна энг кўп Шаҳрисабз туманида амалга ошди.

Осон иш йўқ дунёда. Айниқса, одамлар кўнглига йўл топиш ҳар вақт ва ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Мансур Остоновда эса ана шундай хислат бор. Тўқсон биринчи йилда ХДП туман кенгаши биринчи котиблигига сайланди. Айни пайтда Марказий Кенгаш аъзоси.

— **Маънавият бебаҳо гавҳардир. Фақат ишда эмас, балки орзу-ўйлар, хатти-ҳаракатимизда ҳам у акс этиб туради, шундай эмасми?**

— Илм-фанга ва маърифатга ташналик ҳам, миллий ғурур, ўз қобилият ва истеъдодини улуғ режаларни бажаришга йўналтириш, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, ориятт, ҳалоллик, поклик..., қўйингки неки эзгулик бўлса, ўшанга интилмоқ, юракка жо этмоқ лозим. Биз партиямиз фаолларига қуруқ шиорлар билан эмас, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб-ташвиқ қилишни тавсия қиляпмиз. Масалан, Амир Темур номли жамоа хўжалигининг бош инженери, ХДП аъзоси Номоз Зокиров қирқ саккиз ёшида кўп ибратли ишлар қилишга улгурди. Деҳқончиликдаги ютуқларга унинг кўп хизмати сингган. Яхши оила бошлиғи, фаол жамоатчи бўлган бу кишига тақдир қаттиқ зарба ҳозирлаган экан. Ремонт қилинаётган тракторнинг оғир моторини кўтарганда, бели лат еди. Натижада юролмай қолди. Шундай кунда ёру биродарлари уни ташлаб қўйишмади. ХДП туман кенгашида маслаҳатлашиб, унга ёрдам кўрсатдик. Истеъдодли нейрохирург, тиббиёт фанлари номзоди Нодир Тўхтаев беморни даволаяпти. Гап оқибатда. Буни ёшларимиз, одамлар кўришмоқда. Унинг таъсири ҳар қандай сўздан ортиқроқдир. Ёки узоқ йиллар хўжаликларни бошқарган Сойиб ака Шокировнинг кексайганда бошига мусибат тушди: воягa етган фарзанди қазо қилди. Ёнида турдик, руҳий мадад бердик.

Туманимизда 400 га яқин ёрдамга муҳтож кекса бор. Ҳолидан хабар олдик. 10 нафар ногиронни туман кенгаши оталиққа олган. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб турибмиз. Партиямиз фаолларидан педагогика фанлари номзоди Абдусалом Турсунов ҳозир нафақада бўлсада, одамларни маърифатга чорлаяпти, яхши тадбирлар бошида. У кишининг бундай бош-қош бўлиши туфайли Мироқи қўрғонида 20 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди. Одамлар узоқ вақт эсда сақлайдиган воқеа...

— **Маърифат марказлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— «Маърифат» марказлари энг оммабоп маскан бўлиши лозим. Қўлланмаларни териб қўйиш ёки тадбирларни қайд этишдан иш чиқмайди. Қачонки, улар чинакам маърифат даргоҳи, ўқиб-ўрганадиган, маслаҳатлашадиган жойларга айлансагина, натижа юқори бўлиши мумкин. «Ҳисоракқуриллиш» трести қошидаги марказ намуна бу борада. Бир неча минг кишилик жамоада фаолият кўрсатаётган бошлаётган партия ташкилоти уни ташкил этиш ва жонлантириш учун кўп куч сарфлади.

Бошқа жойлардаги «Маърифат» марказлари ҳам одамларнинг илм олишига, шу кун ўзгаришларидан хабардор қилишга хизмат қилмоқда.

Юртга, эл ишига фидойилик — маънавиятнинг буюк таянчидир. Биз кўплаб партия фаоллари номзодини ўтган сайловларда маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатдик. Одамлар ишончини қозонган кўплаб депутатларимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга партия сафида бўлмаган, элда обрў қозонган кишиларни ҳам сайловда қўллаб-қувватлагандик. Шулардан бири Шаҳрисабз шаҳар кенгаши депутати, «Номозгоҳ» маҳалласи фуқаролар кенгаши раиси Шуҳрат Қодиров ўзига билдирилган ишончни оқлаяпти. Шаҳар ва маҳалла ободончилиги, ёшлар тарбияси, миллий анъаналарни жорий қилиш, ночор оилаларга кўмаклашишга эътибор кучаймоқда.

Донолар ҳаёт кутиб турмайди, дейдилар. Бу доно ҳикмат. Умрини шу озод Ватан ободлиги, эл манфаатлари йўлига бахшида қилганлар умри ибратга лойиқдир. Ҳали кўп улуғ ишларнинг гувоҳи бўламиз, иншоолло. Юртга йўлдош, элга қўлдош бўлиш эса бемисл бахт кишига!

Суҳбатдош:
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Эгамбердиев «Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг сайланма органлари аъзоларининг Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари, миллий истиқлол мафкураси қоидаларини амалга оширишга жалб қилиш бўйича олиб бораётган ишларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» маъруза қилди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Пленумда шунингдек, ХДП марказий нашрларига обуна қилишнинг аҳволи кўриб чиқилиб, бу ишларни янада жадаллаштириш хусусида келишиб олинди. Шу мақсадда вилоятдаги барча бошланғич ташкилотларда партия нашрларига обуна бўйича зарбдор ўн кунлик эълон қилинди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЮРТГА ЙЎЛДОШ, ЭЛГА ҚЎЛДОШ

Балиқчилар.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

БОҚИМАНДАЛИК —

Бойлар ва бойлик, тўқлик ва ҳасад — бу кеча пайдо бўлган тушунчалар эмас, асрий илдизга эга.

Айтишларича, ислом дини пайдо бўлгандан кейин жоҳилият даврининг барча қабоҳатлари — қизларни тириклай кўмиш, хотинни одам ўрнида кўрмаслик, бошқадан фарзанд кўриб ҳақиқий отасини алдаш, қулни мол сифатида кўриш, икки одамнинг бир-бири билан кўришганда ҳозиргидек «Ассалому алайкум» — «Сизга тинчлик тилайман» дейиш ўрнига ёвқараш қилиш, намозга ҳаром аралаштириш (таҳорат олмай, ювинмасдан ёки ичиб жамоа ичига кириш) ва ҳоказо расволикларга қатъий болта урди. Ҳамма жоҳиллик иллатларидан халос бўлган. Фақат бир иллат, афсуски, ҳанузгача сақланиб қолган, дейишади машойиҳлар. Бу нима экан денг, ҳасад!

Хўш, нимага ҳасад қилинади? Биринчидан — бойликка. Қолаверса, обрў-эътиборга, лавозимга.

Бойлик раво кўрилган ҳамма бандаларга. Иложи борича бировдан қарз сўрамай, ҳатто гугурт чўпи ҳам олмай яшашга интил, дейилган муқаддас китобларда.

Пойтахт вилоятида Қорақўйлиқ деган қишлоқ бор. Шу ерлик кишиларнинг айтишича, дастлаб шу ерда бир бой чўпон сўраб келганларнинг ҳожатини чиқариш учун қора қўй бериб юборарверар экан. Худди Хотамтойга ўхшаб. Аммо ривоят борки, Хотамтой ҳар бир келган одамга биттадан қўй берган бўлса ҳам кўприк остида роса мақташса керак деб, атайин гап пойласа: «Хасис экан, қўй бердию битта чилвир нима деган гап? « дейишибди.

Пайғамбаримиз Хотамтойнинг «хотамлиги»ни ёқтирмаган. Сабаби — у шу «хотамтойлик» билан элда сохта обрў орттирмоқчи бўлган...

Демак, кўриниб турибдики, бойликни меҳнат билан (тижорат ҳам меҳнат) топиш бошқаю уни қайси мақсадда сарфлаш бошқа. Ҳозирги манаман деган бизнесмен (тадбиркор)лар фикрича, ҳар бир одам ўзи бойлик топиши ва уни кўпайтиришга ҳаракат қилиши керак. Аксинча, битта бой одамни кўриб қолса, бир амаллаб унинг пули (бойлиги)ни шилишга — қарз-ҳавола сўрашга, алдаб бойлигини йўқ қилишга уриниши — орсизлик, ҳатто муттаҳамликдан бошқа нарса эмас. Турган гапки, бу фикр баъзиларга ёқинқирамайди. Бу — ҳозирги биз тушунган — меҳр-оқибат, ҳожатбарорлик, савобга зид нарса. Аммо ўша одам бир марта-икки марта сахийлик қилиши мумкин. Лекин уйидан то ишхонагача боргунча йўлда учраган ҳар бир «гадой»га садақа улашишдан ўзини тияди, албатта.

Дарвоқе, садақа ҳақида. Муқаддас китобларимизда айтиладики, аввало Худо йўлида садақа қилинади: биринчи — отаонангга, иккинчи — оилангга, учинчи — яқин қариндош — акаука, опа-сингил ва бошқаларга, ундан сўнггина фақир, мискин, кўни-қўшниларга, бева-бечораларга. Албатта, биз қандайдир жадвал асосида яхшилик қилиш керак, деган фикрдан узоқмиз. Бу ерда моҳият назарда тутилаяпти: агар ҳар бир қўлидан бойлик топиш келадиган одам ақли расолик билан иш тутса эди, олам анча яшарган бўларди! Соғлиғи, куч-қуввати етарли бўла туриб бировларнинг мулкига кўз олайтирадиганлардан ўзинг асра. Бу — енгил-елпи ҳаёт кечиришнинг бир тури.

Боқимандалик — ҳасаднинг доясси. Осмондан чалпак ёғилишини кутиш бу — ҳаракатсизлик, лоқайдликнинг ўзгинасидир. Мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолга комил ишонч билан қараш фақат боқимандалик, яъни ўзгаларнинг моддий ёрдамига кўз тикишга ҳар биримиз барҳам бергандагина амалга ошиши мумкин. Ирмоқ, дарё бўлиб жўшиб яшаш қўлингдан келсаю кўлмак бўлиб қолиш бу — инқирозга юз тутишдир, инсонийликнинг дарз кетишидир.

Биз демократик, ҳуқуқий давлат

1 2

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Япония ҳукумати Жанубий Курил аҳолисини япон тилига бепул ўргатиш режасини амалга оширишни мўлжалламоқда. Ушбу мақсадга 500 миллион иен (4 миллион долларга яқин) маблағ ажратилади.

* * *

АҚШ Югославияга нисбатан молиявий жазо муддатини яна бир йилга чўзишга қарор қилди.

* * *

Хитойдаги банк бўлими бошқарувчиси Сянь Чжипин 3 миллион юан (360 минг доллар) миқдорида пора олганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинди.

* * *

Сербияда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ҳукмрон коалициядан номзод бўлмиш Югославия ташқи ишлар вазири Милан Милутинович овозлар бўйича пешқадамлик қилмоқда.

* * *

Исроил давлат сектори ишчи ва ходимларидан 700 минг кишининг беш кунлик норозилик намойиши муваффақиятли якунланди.

* * *

Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган йирик анжуман атроф-муҳитга заҳарли газ чиқариб юборишнинг олдини олиш масалаларига бағишлади. Ушбу халқаро анжуманда 170 мамлакат ва ноҳукумат ташкилотларидан 8500 делегат ҳамда 3500 журналист иштирок этди.

* * *

АҚШда декабрь — маст ҳайдовчиларга қарши кураш ойлиги, деб эълон қилинди. Рождество байрами ва Янги йил арафасида анча илгари бошланадиган турли ўтириш ва зиёфатларда ҳайдовчилар ҳам етилиб ичиб, декабрь ойида йўл-транспорт ҳодисалари юз беришига сабаб бўладилар. Натижада кўплаб автомобиль ҳалокатлари юз беради. Ҳар йили Америка йўлларида юз берган ҳалокат натижасида 40 мингдан зиёд киши оламдан кўз юммоқда ва 3 миллион киши оғир жароҳат олаётир. Ана шу ҳодисаларнинг асосий қисми, яъни 40 фоизи спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш натижасида юз беради. Шу боис ҳам эндиликда ичган ҳайдовчиларга 400 доллар жарима солинадиган бўлди.

* * *

Украина Вазирлар Маҳкамаси Донецк шаҳрида ушбу йирик саноат ҳудудининг келажаги ҳақидаги масалани жойида ҳал этиш учун мажлис ўтказди.

* * *

Россия ҳукуматининг олий даражаларидаги коррупция ҳамма даврларда ҳам давлатга зарар келтирган. Қадим замонда хазина ўғирлаш Русияда энг оғир гуноҳ саналган. Пётр Биринчи «Ўғирласанг — душманга фойда» деб бекорга айтмаган эди. Бугун эса Россиянинг энг йирик корчалонлари учун ўғирлик оддий ҳаёт тарзига айланиб қолди. Масалан, хусусийлаштириш тўғрисидаги катта жанжалга сабаб бўлган китобни олайлик. Етмишдан зиёд олий мартабали шахслар бу китобдан манфаатдор бўлишди. Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Анатолий Чубайс эса банкдаги катта фирибгарлигига қарамай ўз лавозимида қолди.

БУ САФСАТА ЭМАС

Ўз эрини ўлдиргани учун ҳомиласи беш ойлик бўлган чечен аёли шариат қонунларига кўра фарзанди туғилгандан сўнг қатл этилади. Унинг аллақачон қатл этиб бўлинган шериклари қийноқлар натижасида худди шу фарзанд кутаётган Асса Ларсанова қотилликнинг ташаббускори бўлганлигини айтишди. Судья аёлнинг марҳум эри томонидан қийноққа солинганини эътиборга олишни истамади. «Олло — улуғ, қотил қатл этилиши зарур. Қонун шундай», — деди судья ўзининг айблов нутқида. Бироқ айбланувчида ягона имконият бор. Ўша тиғиз қонунга биноан аёл юзта сигир ёки туя билан товон тўласа йигирма йил қамоқ жазосини олиши мумкин.

* * *

Колумбия АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига кокаин етказиб берувчи асосий давлат сифатидаги етакчиликдан маҳрум бўлиб қолди. Сўнгги маълумотларга кўра, Доминикан Республикаси ушбу заҳарли маҳсулотнинг 60 фоизини етказиб бераётгани боис биринчи ўринга чиқиб олди. Мамлакатнинг иқлими ҳамда бу ердаги сиёсий вазият наркобизнесни кенг йўналишда олиб бориш имконини беради. Бу ўз навбатида ҳам давлатнинг юқори органларидаги корчалонларга, ҳам жиноий гуруҳларга катта фойда келтирмоқда. Фақат кейинги бир йилнинг ўзида ташқи давлатларга 1 миллиард долларликдан зиёд кокаин сотилди.

* * *

Испания Гибралтар ороли масаласида Англия билан келишишга қарор қилди. Испания Буюк Британияга ушбу ҳудудда қўшма бошқарув ўрнатишини таклиф этди. Маълумки узоқ йиллар Гибралтар масаласи Англия ва Испания ўртасидаги муносабатларни боши берк кўчага киритиб турарди. Ниҳоят яқин келажакда ана шу муаммога чек қўйиладиганга ўхшайди.

Мамлакатлар ҳаёти

ПРЕЗИДЕНТ ҲУСНИ МУБОРАК ЯНГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ОЧДИ

Миср ўз қуролли кучлари байрамини нишонлади. Миср қуролли кучлари Исроил Синай ярим оролида бунёд этган мустаҳкам Барлиф мудофаа чизиғини ёриб ўтган эди. Шундан сўнг, Миср Исроил босиб олган ўз ерларини қайтариб олган, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни бошланган эди.

Шу муносабат билан Миср Президенти Ҳусни Муборак ва мамлакат қуролли кучларининг бош қўмондони, мудофаа ҳамда ҳарбий саноат вазири Яқин Шарқда ҳарбий соҳага ихтисослашган, энг замонавий ахборот-матбуот шўъбасини тантанали равишда очди.

Миср Президенти Ҳусни Муборак «Интернет» тармоқлари орқали ҳарбий ахборотларни нашр қилишни бошлаб берди.

Шўъба маркази электрон ҳисоблаш машиналарига уланган энг замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган. Шу ердан туриб Мисрнинг ўзидаги ва ундан ташқаридаги турли-туман матбуот, маълумот ва махсус қарорлар қабул қилувчи марказлар билан боғланиш мумкин. Бу марказ ишга тушиши билан Миср ўз қуролли кучларининг ўтмиши ва ҳозири ҳақидаги маълумотларни «Интернет» тармоқлари орқали узатадиган 30-давлат бўлади. Айни пайтда Мисрнинг фиръавнлар пайтидан шу пайтгача ўтган давр ичидаги қуролли кучлари тараққиёти ҳақидаги аниқ ва муфассал маълумотларга эга бўлмоқчи бўлганлар «Интернет»га аъзо бўлиб, мазкур маълумотларни олишлари мумкин. Миср қуролли кучларининг матбуот маркази 39 радиостанция, 35 телешаҳобча, 8 та ахборот агентликлари ҳамда «Интернет» тармоқлари орқали келаётган маълумотларни, чет эл ва араб мамлакатлари матбуоти, даврий нашрлари материалларини ишлаб чиқади.

Марказ Информация вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, ахборот маркази, Вазирлар Маҳкамаси, маълумотлар маркази, қуролли кучлар штаби, кескинликларни ўрганиш ва ҳарбий разведка маркази, Мудофаа вазирлигининг нашриёти ҳамда бир қанча маълумотлар ва махсус қарор қабул қилиш марказлари билан боғланган.

Миср Президенти Ҳусни Муборак мамлакат мудофаа ва ҳарбий саноат вазири билан бирга Қубба кўприги яқинида қад ростлаган энг замонавий тиббий муассаса бўлмиш ҳарбий тиббий комплекс биносини ҳам очди. У ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тиббий жиҳозлари жиҳатидан дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан асло фарқ қилмайдиган 5 та ҳарбий касалхона ва поликлиникаларни ўз ичига олади. Улар орасида жарроҳлик, ички касалликлар, нафас йўли хасталиклари, тиш табобати ҳамда беморларни қабул қилиш ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш касалхона ва поликлиникалари бор.

Миср Президенти Ҳусни Муборак Қоҳира шаҳри ғарбидаги ҳар бири 330 меговаттга тенг икки блокдан иборат кенгайтирилган электростанцияни тантанали очилишида қатнашди. Бу станция республиканинг ягона электр шаҳобчасига уланган, шаҳобчанинг умумий қуввати 90 млрд. меговаттга етади.

Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакатнинг энергетика қудрати шу кунларга келиб саксонинчи йилларга қараганда 5 мартага ошди.

Содиқ СУЛТОН тайёрлади.

Турфа олам, турфа одам

БЎЙИДАН «БАЛАНД» ОДАМ

Одатда, табиатан ғайри-табиий одамлар фавқулодда қобилиятга эга бўлиши ҳақида кўп ўқиганмиз. Жуссаси кичкина — лилипутлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Аризон штатининг Темпа шаҳрида яшовчи Кларенс Хьюджесни кўпчилик «жажжи уста», «ер ости ҳокими» дейишади. Шундай деганларича бор, устанинг бўйи бор-йўғи 122 сантиметр-да! Гап бўйдами, ишда. Биз ер устида ишловчилар меҳнатини таҳсинлаймиз-у, «ер ости меҳнатчилари»ни кўпам эслайвермаймиз. Кларенс шундай касб эгаси — ер ости тозаловчиси, тўғироғи, шаҳар ер ости қувурларини таъмирлайди. Нима қипти, бундайлар сон мингта дерсиз. Унинг машҳурлигининг яна бир томони, ҳаммаям диаметри 40 сантиметр қувурга «кириб» тешик ямай олмайди-да.

— Бунга анча бўлган, деб эслайди Кларенс. — Шимолий Каролинада жудаям «нозик» қувур тешилганини айтиб, жўнатишди. Борсам ҳеч ким киролмабди — 40 сантиметр айланмада айланишнинг ўзи бўладими? Майли, дедим-да, эпладим. Шу-шу мени фақат энг «нозик» жойларга жўнатадиган бўлишди. Ишонсангиз, мен учун 150 сантиметр диаметрли қувур энг каттаси, айланмаси 106 сантиметр қувур ичида тик тураман, — жажжи уста ғурурланиб қўйди. Ўзиям репортёрларга интервью беравериб «сўзамоллик»ни ҳам боплайдиган бўлиб кетган. Баъзан қитмирроқ репортёрлар берадиган қалтис, унча мунча саволларниям «ямаб», «текислаб» жавоб бераверади.

«Ер ости ҳокими»ни тез-тез йўқлашади. Яхши танишади. 30 йилдирки у ер остида ишлайди. Бўш вақтларида эса кўнгилочар тунги клубларга боради. Ёнида 90 сантиметр бўйли ушшоққина рафиқаси — Жинни хоним. Эр-хотин замонавий мусиқа остида рақс тушишни яхши кўришади. Ўзининг айтишича, 8-9 ёшларида «дунёдаги энг бебахт, сўнгги одамман» дея роса ўкинаркан. Сал ёши улғайгач эса қалбида: «модомики дунёга инсон бўлиб келдингми, яша, яшаганда ҳам қасдма-қасдликка шундай умр кечиргинки бошқалар ҳавас қилсин» деган ўжар туйғу уйғонган экан.

Ўз ўрнида ўжарлик ҳам ғўзал фазилат. «Ер ости ҳокими» шундай ўжар уста. Ўз сўзлиги уни бўйнидан ўн карра баланд қилиб қўйди.

ЯНА ЎЗБЕК БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Яқинда Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрида ўтказилган Эй-Ти-Пи (АТР) Челленжэр йирик теннис турнири шов-шув билан якунланди. Ўзбек теннисчиси Вадим Куценко яккама-якка финал беллашувида Австриянинг энг кучли ўйинчиси Герберт Вилтшнигани 6:1, 6:4 ҳисобида енгди ва у шу билан АТР вакиллик турнирида бизнинг дунё тан ола бошлаган теннисимизга яна бир салобатли ғалабани олиб кирди.

Мусобақада Португалиядан Жоао Силва, Франциядан Фредерик Фонтанг, Чехиядан Мартин Хромек ва Австриядан Рейнер Фаленти каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан таниқли теннисчилар иштирок этишди. Турнир мукофоти 25 минг АҚШ доллари миқдорида эди.

Вадим Куценконинг 6:3, 6:1 ҳисобда якунланган белгиялик Лоуренс Тиелман билан биринчи учрашуви ўзбек теннисчиси маҳоратининг қай даражада ўсганлигини намоён этди. Турнирдаги мазкур илк ғалаба кўпчилик теннис қадрловчиларини бу ҳақда гапиришга мажбур этди.

Маҳаллий ишқибозлар орасидаги ҳақиқий шов-шув эса Вадимнинг Ҳиндистондаги энг кучли теннисчи Лиандер Паисни 7:5, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратганида бошланди. Мусобақалар давомида ўйинчилар бор куч ва маҳоратларини сарфлашга ҳаракат қилганликлари кузатилди. Ўйиннинг биринчи босқичидаги тай-брек мусобақасида Паиснинг яккама-якка беллашувда устун келиши кутилган эди, аммо ўйин натижаси Куценко фойдасига ҳал бўлди.

«Куценконинг Паис билан олиб борган беллашуви — бу ҳақиқий санъатдир. У ҳинд теннисчисининг ўта кучли эканини ва унинг минглаб тарафдорлари борлигини билар эди. Шундай бўлса ҳам руҳий ҳолат, табиий бақувватлик ва энг муҳими усталик ҳамда мақсадга тиришқоқлик ўзбек спортчисини юқори шоҳсупага олиб чиқди. Паис учун эса юз берган воқеа руҳий зарба берди». Ушбу сўзлар ватандошимиз ўйини ва ўзбек теннисининг ўсиб бораётган мавқеи тўғрисида ҳинд матбуотида эълон қилинган фикрлардан биридир.

Ушбу қувончли хабар сўнггида шуни эслатиб ўтиш жоизки, мусобақада қўлга киритилган биринчи ўрин Вадим Куценкога АТР профессионал жадвалига ўз активига 60 очко ёзиб қўйишга имкон берди.

Аслом АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Деҳли.

Бангкокда қадимий бинолар кўп.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Ирландиянинг республика армияси тотувликни тўхтатишни эълон қилса керак, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги Англиянинг «Дэйли Телеграф» газетасига таяниб. Британия ички разведкаси маълумотларига кўра Ирландия армияси яна машқларни бошлаб юборди. Куролларни синовдан ўтказиб, аскар тўпламоқда. ИРА номлари ва манзиллари маълум бўлган Ольстер қирол полицияси зобитларига эса Англияга қайтиб бориш буюрилган. Разведка барча тайёргарликлар янги қўпорувчилик ҳаракатлари бошланишидан дарак бермоқда демоқда. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэйрнинг Шин-Фейн партиясининг ИРА даги сиёсий қанотлари раҳбарлари Жерри Адамс ва Мартин Мак Гиннес билан учрашуви бўлишидан бир кун аввал огоҳлантириш бўлган эди, деб таъкидлайди агентлик. Шундай даражадаги сўнгги учрашув 76 йил аввал уюштирилганди. Шимолий Ирландия католикларининг бир қисми қўллаб-қувватлаб турган Жерри Адамс Блэйрдан Шимолий Ирландияни Буюк Британия таркибидан чиқаришни талаб қилмоқчи. Бироқ Ирландия ва Британия Қироллиги ҳукуматлари икки мамлакат халқларининг розилигисиз конституцион ўзгаришлар қилишни мўлжалда тутишмаган.

* * *

Женевада Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида тинчлик ўрнатиш юзасидан бўлиб ўтаётган музокараларнинг биринчи босқичи тугади, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Навбатдаги босқич эса келгуси йилнинг март ойи ўрталарига белгиланди. Хитой ва АҚШ вакиллари музокарада воситачи сифатида қатнашишди. Шимолий Корея томони музокараларнинг яхши вазиятда ўтганлигини таъкидлади. Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлигининг вакили эса «камтарона» силжишга эришилди, деди. Бироқ агентликнинг баҳолашига кўра қарийб ярим асрлик душманликни бартараф этиш бўйича ушбу дипломатик марафон ойлаб, ҳатто йиллаб давом этиши мумкин. Музокаралардан асосий мақсад — Корея ярим оролидаги ноаниқликка барҳам бериб, 44 йилдан бери амал қилиб келаётган тотувлик тўғрисидаги келишув ўрнига ҳақиқий тинчлик шартномаси тузилишига эришишдан иборат.

* * *

Араб ва мусулмон мамлакатлари дипломатларининг Фаластин Мухториятининг БМТдаги обрў-эътиборини кўтариш тўғрисидаги таклифи рад этилди, деб хабар қилади «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар вакилларининг илтимосига кўра Фаластиннинг обрў-эътиборини ошириш ҳақидаги қарор тўлдирилиши зарурлиги учун кечиктирилди. БМТнинг қўллаб аъзолари Фаластинни қўллаб-қувватлаб, Исроил Бош вазири Беньяминь Нетаньяхуни тинчлик музокараларини чўзишда айблаётганлигига қарамай таклиф рад этилди. Фаластиннинг БМТдаги элчиси Носир ал-Кидва шунга қарамай навбатдаги муҳокамалардан умидвор.

* * *

АҚШнинг оддий фуқаролари ўзларининг эртанги кунга бўлган ишончларини йўқотмоқдалар, деб ёзади «Ю-Эс-Эй-Тудей» газетаси. Уларнинг пенсияга чиққандан сўнг келадиган қора кунлар учун пул йиғаётганлари бунга далил бўла олади. 1997 йилнинг охирларига келиб, одамларнинг пенсия учун тўплаган маблағлари ўтган йилга нисбатан икки фоизга ошди. Американинг Ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган сўровга биноан ҳар икки америкаликнинг бири ойига 600 доллардан пулни жамғариш билан қариликни таъминлаш мумкин, дейишмоқда. 17 дан 32 ёшгача бўлган америкаликлар бу борада анча хотиржам. Бироқ улар ҳам қарилик учун йилига икки ярим минг доллар жамғарма зарур, деб ҳисоблайдилар.

* * *

БМТнинг тақиқлаши ва АҚШнинг сиёсати туфайли Ироқда юз бераётган қийинчиликлар эътиборга олиниб, Вашингтонда Президент Билл Клинтон маъмурияти номига бот-бот танқидий гаплар бўляпти, деб ёзади «Крисчиан Сайенс Монитор» газетаси. Ўтказилаётган сиёсатга қарши турганлар «Соғлом ақл»га таяниб иш кўришни таклиф этишмоқда. Уларнинг фикрича Ироқнинг қамал ҳолатида бўлиши ушбу ҳудуддаги вазиятни мураккаблаштиради ва мамлакат аҳолисини амал-тақал билан турмуш кечиришга мажбур этади. Ироқ фуқаролари АҚШ манфаатлари ҳамда бутун Ироқ аҳолисининг «ё ҳаёт, ё мамот» масаласи ҳал этилаётган ўзига хос сиёсий ўйинда гаровда турибди.

ҲАСАДНИНГ ДОЯСИ

Жим туролмайман

қуряпмиз. Ижтимоий ҳимоя — давлатимиз дастуридир.

Бой ё камбағал бўлиш, агар соғлом одам бўлса, ўзига боғлиқ. Мана, бир мисол. Маҳалладаги бир бойдан сўрашибди: Қандай қилиб бой бўлдингиз? «

«Ҳозиргина, — дебди у, — гузаридан келяпман. Маҳалламизнинг бир «камбағали» қўлига озроқ пул тушган экан, кабобхона ва пивохона ёнидан ўтиб бораётганимизда мен сабр қилдим (ҳолбуки, ёнимда пулим бор эди), аммо қўшним нафсига эрк берди — бор пулини жиғилдонига урди». Бу — биргина ҳодиса эмас. Ҳар бир нарсада шундай: икки йўлдан бири — нафсини тия билган, тежамкор албатта бойликка эришади, аксинчаси эса жарлик, эртага хорлик...»

Мен бу бой ҳақида илгари эшитган эдим. Ака-ука ноилож-ликдан қарз сўраб боришибди. Бой ота яхши кутиб олибдию уларни эшик олдида қолдириб, ичкарига кириб кетибди. Бирпасдан кейин ҳовлида кўринибдию энгашиб бир дона тоза гугурт чўпини олибди. Ака-ука бир-бирига маъноли қараб қўйишган: «Тамом. Гугурт чўпини олдими, ўта хасис экан!» Бой ота уларга қўйнидан пул чиқариб бергандагина енгил нафас олишибди. Ука сабри чидамай: «Бой ота, шунча бойлигингиз бўла туриб ердан нега битта гугурт чўпини олдингиз? » дебди. «Балки, барака шундандир» деб жавоб берган экан бой ота!

Хуллас, бундай мисоллар хоҳлаганча. Аммо бир муҳим фикрни айтмасдан иложи йўқ.

Чет эл миллионерлари, кўпчилик бойлари ўзларига минг карра пишиқ бўлсалар ҳам тантиликни ҳам эсдан чиқармайдилар. Аммо кимга, қандай мақсад учун, қанча пийсабилло пул ташлаш керак — буни етти эмас, етмиш марта ўлчаб қиладилар ва бундан ўзлари ҳам катта қониқиш, мамнунлик ҳосил қиладилар! Бизда ҳам масжид, мактаб, чойхона ва ҳоказолар қуриб берган тантилар бор. Яқинда бир масжиднинг имом-хатиби намозга тупланганлар олдида шундай ваъз қилди: «Бизга гиламлар, қўй, мол ва ҳоказо хайрия қиладиганлар бор. Биз буларни маҳаллаларнинг етим-есир, фақирларига улашамиз. Аммо «Бу — ҳаром йўл билан топилган матоҳ нима қилиб пок жой — масжидга аралашиб юрибди» дейдиганлар ҳам топилади. Аввало, бундай дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кўзинг билан кўриб, қўлинг билан ушламагансан. У пулни қандай топди — ўзига ва ёлғиз Оллоҳга маълум, гуноҳи ўзига. Бироқ етим-есирларнинг сунғат тўйларини ўтказиб берса, болалар уйларига бориб совға-саломлар улашса, юртнинг бирор катта тадбирига — ўз эли учун хайрия қилса — бунинг нимаси ёмон? Бундай ҳасадгўйликнинг кимга нафи бор? Ўзинг-ку хайрия нималигидан бехабар банда экансан, лоақал ўзгаларнинг тантилиги — сахийлигидан қувонмайсанми?

Ўзимиз, ҳар биримиз оқилоналик билан сахийлик қилмоқни фарз деб билишимиз керак. Юртбошимиз «Савоб ишни ҳар куни, ҳар ким қилиши керак» деб бежиз айтмаганлар. Агар фақат тўқ яшашнигина ҳаётнинг асосий мақсади деб билганда эди, оғилхонадаги моллар ҳаёти инсон учун энг яхши турмуш ҳисобланарди, деган экан қадимги донишмандлардан бири.

Бу сўзлар изоҳга муҳтож эмас.

Ҳамид ИКРОМ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги
«Сельхозтехнология» тел: 40-54-34;
«Лидеры XXI ЛТД» тел: 65-15-81;
«Авис-плюс» тел: 54-92-55;
«Коинотсервиссторой» тел: 65-05-76;
«Самадулло» («Париж коммунаси»-130 уй);
«Азиато-Башкирский Союз» тел: 93-44-08
масъулияти чекланган жамиятларнинг йўқолган муҳри ва бурчак тамгалари
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
ҳамда ушбу жамиятлар
ТУГАТИЛАДИ.

«Атон» тел: 78-67-64;
«Рух» тел: 97-23-21;
«Севара» тел: 98-13-88
масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхона
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида юқорида кўрсатилган телефонлар орқали қабул қилинади.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 16 dekabr, ceshanba № 146 (22.229).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ТАЖРИБА ОРТТИРИБ

Тошкентда волейболчи йигитлар ўртасида ўтказиган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари юртдошларимиз учун ўзига хос маҳорат мактабига айланди. Мухлислар МҲСК спорт мажмуида ўтказилган бу мусобақаларга катта умид боғлашган эди. Бор-йўғи уч жамоа — Ўзбекистон, Австралия ва Хитой-Тайпе волейболчилари ўзаро куч синашган мусобақада бизга икки ғалаба кифоя эди. Афсуски, волейболчиларимиз Хитой жамоаси билан ўтказилган биринчи ўйиндаёқ кўпчиликнинг ҳафсаласини пир қилишди. Меҳмонлар 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Австралия волейболчилари эса хитойликлардан ҳам устун эканлиги ҳаммага аён эди. Бу жамоа Хитой волейболчилари билан майдонга тушиб, 3:0 ҳисобида ютуққа эришди. Йигитларимиз билан баҳсда ҳам маҳорат кўрсатишди. Шундай қилиб, Австралия терма жамоаси келаси йили Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўлланма олди. Биринчи марта бундай нуфузли мусобақада иштирок этган волейболчиларимиз эса тажриба орттириш билан кифояланишди.

Спорт

«ЖАСОРАТ, ИРОДА, ҒАЛАБА»

Ногиронлар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш, уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишларига шароитлар яратиш савобли юмушлардан саналади. Бу билан уларнинг кўнгилларини кўтариш йўлида саъй-ҳаракат қилинади. Ногиронлар эса ҳамма қатори бўлиш, ўзларининг руҳий ва жисмоний имкониятларини юзага чиқариш учун бор иродаларини ишга соладилар, жасорат кўрсатадилар. Тошкентда уч кун давом этган ногиронлар ўртасидаги спартакиаданинг «Жасорат, ирода, ғалаба», деб аталиши ҳам шундан. Спортнинг бир қанча турлари бўйича уюштирилган қизғин баҳслар мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Спартакиаданинг тантанали ёпилиши маросими эса ўзига хос байрамга айланди. Мини-футбол бўйича «Байналмилал» ва «Тошкент-1» жамоалари муваффақият қозонгани эълон қилинди. Шахмат-шашка бўйича Анорқулов билан Ненашева маҳорат кўрсатишди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ИЗЛАНИШ ВА НАТИЖАЛАР

Бугун мамлакатимизда юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг негизи бу — инсон манфаати, унинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини англатиш ва яратиб беришдир. 1997 йил — «Инсон манфаатлари йили», деб юритилиши бежиз эмас. Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини назарда тутар эканмиз, соғлиқни сақлаш тизими, яъни республикамизнинг ҳар бир кишисини шу имтиёздан фойдаланиш имкониятларини яратиш ғоят муҳимдир. Ва бу борада давлатимиз томонидан қатор тадбирлар амалга оширилиб, турли моддий ёрдамлар шаклларини тадбиқ эта бориб, шифохоналар қошидаги кундузги ўринлар сони 1506 дан 2100 га, амбулатория-поликлиникалар қошидаги кундузги шифохоналар ўрни 1852 дан 1962 га етказилди.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 182-қарори тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда 40 та қишлоқ шифокорлик пунктлари (ҚШП) беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Йил охирига қўшимча 10 та ҚШП лар фаолият кўрсата бошлайди. Тиббий ёрдамни қишлоқ аҳолисига яқинлаштириш мақсадида 12 та фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ шифокорлик пунктлари малакали шифокорлар, керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада беморларнинг маълум мутахассисликлар бўйича марказий касалхоналарга мурожаат қилишлари кескин камайди.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 91-қарорини бажариш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Чунончи, Қибрай туманида нафақахўрлар учун 30 ўринли реабилитация маркази очилиб, керакли тиббий жиҳозлар, малакали шифокорлар билан таъминланди. Худди шундай реабилитация маркази ногиронлар учун Ангрен шаҳрида 60 ўринга очилди. Янгийўл туманида 60 ўринли травматология касалхонаси ишга туширилди. Янгийўл шаҳрида ота-онасиз қолган болалар учун «Кичкинтой» болалар уйи эса очилиш арафасида.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 155-сонли буйруғи бажарилиши натижасида 17 та акушерлик комплекси ишга туширилди ва ҳомиладор аёллар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ҳар бир акушерлик комплексида ҳомиладор аёллар учун туғишгача етказиш бўлимлари ташкил этилди.

Вилоятда 21 та тез тиббий ёрдам станцияси ва бўлимлари мавжуд. Улар 2 тадан «Дамас» русумли автомашиналар билан таъминланди. Бундан ташқари вилоят ҳокимлиги томонидан 10 та, Қибрай тумани ҳокимлиги 5 та, Чиноз тумани ҳокимлиги 2 та ва Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан 2 тадан «Дамас» автомашиналари тез тиббий ёрдам учун ажратилди.

Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар кўпайишини олдини олиш мақсадида эмлаш ишлари бажарилди. Вилоят ҳокимияти томонидан дифтерияга қарши эмлаш учун 8 миллион сўмга вакцина олиб берилди. Натижада бу касалликнинг рўйхатга олиниши кескин камайди. Бу касалликнинг олдини олишда вакцина аҳамиятини эътироф этиб, уни вазирлик томонидан марказлашган ҳолда тақсимлаш амалга ошириш керак, деб ўйлаймиз.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 631-сонли 1993 йил 15 декабрь «Ёмон сифатли ўсма касалликларни профилактикаси, илк диагностикаси, даволаш тадбирларини яхшилаш» ҳақидаги буйруғини бажара бориб, рак олди касалликларини даволаш учун онкология диспансерида ўринлар ажратилди, натижада беморлар мунтазам даволана бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлда «Якка тартибдаги врачлик фаолияти (хусусий врачлик фаолияти) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги» қарорини бажариш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Бугунгача 76 та шифокор якка тартибда ишлаш учун лицензия олиб фаолият кўрсатмоқдалар.

Якка тартибда врачлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шифокорларга қулай бино топиш масаласи муаммо бўлиб турибди.

Шаҳардаги акушерлик комплекси республикада биринчи бўлиб акушерлик-гинекология илмий-текшириш институти билан телемост ўрнатди. Натижада керакли мутахассислар билан мулоқотда бўлиш, ташхисларни вақтида аниқлаш ва даволаш жараёнига зарур кўрсатмалар бериш имконияти туғилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, телемостларнинг барча туманларда асосан, тоғли туманларда ўрнатилишига эришилса, унинг натижаси ҳам иқтисодий, ҳам амалий жиҳатдан беқиёс бўлиши шубҳасиз.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Шокир БЕРДИМУРОДОВ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0808

Босишга топшириш вакти — 21.00.
Топширилди 22.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

ЁХУД ТЎҚИЛМАГАН ЛАТИФАЛАР

(янги туркумдан)

Бир айланиши эллик сўм

Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Сулаймон бўқоқлар Москвага — декадага боришади. Ҳамма «культурний» бўлиб, бўйнибоғ (галстук) тақиши керак деган буйруқ берилади. Сулаймон бўқоққа, табиий, бўйнибоғ тақиш осон бўлмайди. Шериклари бир амаллаб бўқогининг остига бўйнибоғни илаштириб қўйишади. Қизиқчи эртасига яна қийналиб юрмай дея шу алпозда ухлайди. Эрталаб туриб мундоқ қараса бўйнибоғ жойида йўқ эмиш. Уввало қидириб тополмайди. Ахийри топиб бергин дея Охунжон қизиққа ялинади.

— Майли, эллик сўм берсангиз топиб бераман, — дейди Охунжон қизиқ сирли кулимсираб.

— Мана эллик сўм, тезроқ топақол!

Охунжон қизиқ Бўқоқнинг орқа томонига ўтиб қолган бўйнибоғни бир айлантириб, яна жойига қайтариб қўяди.

Ҳайрон қолган Сулаймон бўқоқ бўйнибоққа тикилиб туриб, шундай дейди:

— Бу савилнинг намунча обрўси баланд десам, бир айланиши эллик сўм экан-да!

Шуям тўй бўптими?

Юсуфжон қизиқ гоҳо тўйларда дутор чертиб, қўшиқ ҳам айтар, Охунжон қизиқ унга чилдирмада жўр бўлиб турар экан. Озгина отиб турадиган Охунжон қизиқ баъзан меёрни унутиб, қовун тушириб қўяркан. Бундан безор бўлган Юсуфжон қизиқ шеригини сўнгги бор огоҳлантиради: «Агар яна бир марта ичсанг, тўйдан ҳайдаб чиқараман, қайта сени бирга олиб юрмайман». Охунжон қизиқ бошқа ичмасликка сўз беради.

Бир куни яна навбатдаги тўйга боришади. Оловда чилдирмасини қиздираётган Охунжон қизиқ қозон атрофида қўй думбасининг иссиқ жиззасидан газак қилиб, қиттак-қиттак отишаётган улфатларни кўриб, оғзидан сўлаги оқади, томоғи тақиллайди.

— Ҳа, уста? Озгина оладиларми?

— Майли, нима бўлса бўлар — озгина қуяқол, фақат... кўриб қолмасин!

«Озгина» дан бир нечагина олган уста дарров «тайёр» бўлиб қолади. Шу алпозда чайқалиб, ичкарига — тўйхонада дуторини созлаб, уни бетоқат кутиб турган Юсуф қизиқнинг ҳузурига боради.

- Қ — қанақасидан б-бошлаймиз, ус-ста?!

Юсуфжон қизиқнинг энсаси қотади, йигитларга секингина «Олиб кетинглар буни!» дея шипшийди. Иккита барзанги Охунжон қизиқни ташқарига етаклайди. Остонага етай деганда қизиқ йигитларни тўхтатади:

— Шошш-манглар! Тўйхонани бир кўриб қўяй-чи! Э-э, бу ерда нари борса уч юзта одам ўтирибди. Шуям тўй бўптими? Мен бундан ҳам катта тўйлардан ҳайдалганман!

Номард — ўзи

Сойиб Хўжаев чойхонадаги ошхўрликда шогирд ва мухлисларини кулдириб, даврага файз киритиб ўтирарди. Бир маҳал ёнидаги ошхўр катта суякни минг машаққат билан қоқиб, илигини товоққа туширади. Сойиб аканинг мазали луқмага кўнгли суст кетади. Шошиб тайёр иликни қўлига олиб, лиқ этиб ютиб юборади ва оҳ, оҳ дея ҳайрон қолган ошхўрга шундай дейди:

— Суякни мард қоқади, иликни номард ейди, майли, ўша номард мен ўзим бўлиб қўя қолай!

Айрилиқ хавфи

Илгари артистлар томоша кўрсатгани гастрол-сафарга узоқ муддатга чиқишар экан. Муқимий театри шундай сафарда эканлигида бир артист йигит хотинидан хат олибди: «Дадаси, суюнчи беринг, ўғилчамиз юриб қолди!»

Йигит хурсанд бўлиб, Сойиб Хўжаевнинг ҳузурига ошиқибди.

— Уста, суюнчи беринг, ўғилчамиз катта бўлиб қолибди!

Уста негадир ўзини эшитмаганга олибди.

— Уста, ўғилчам юриб қолибди!

Уста бу гал ҳам индамай тескари ўгирилибди.

— Устажон, ахир, ўғилчам юриб қопти деяпман! Мана, хотиним хат ёзиб юборибди!

Шунда уста чидолмай, жаҳл билан хитоб қилибди:

— Бу ерларда яна бирор ой юрсанг, хотининг ҳам юриб кетади!

Чангитмай ўтинг

Қизил мафкура ҳукмронлиги йиллари Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимининг бир йиғилишида уюшмага узоқ муддат раҳбарлик қилган раис раҳматли шоир Восит Саъдуллага иддао қилиб қолади:

— Восит ака, Сиз жуда ҳам иззатталаб одамсиз. Нима, Сизга ҳар қадамда икки букилиб таъзим қилишимиз керакми? Ахир устоз Абдулла Қаҳҳор ҳам бир мақоласида «Мабодо кўчада уч-тўрт қария турганини кўрсангиз, саломлашингу ишингиз зарур бўлса, олдинга ўтиб кетаверинг» деган эди.

— Майли, укажон, олдинга ўтсангиз бемалол ўтиб кетаверинг, фақат чангитмай ўтинг-да!

Нимкосани пайқаганлар завқланиб кулишади.

Мулоҳаза

Талабалик йилларимизда раҳматли адабиётшунос олим Ғулом Каримов билан ҳурматли домламиз, таниқли олим Озод Шарофиддинов ўртасида реализм масаласи юзасидан баҳс-мунозара роса қизиганди. Ғ. Каримов табиатан эҳтиёткор ва сермулоҳаза, О. Шарофиддинов эса дангалчи ва жўшқинроқ (шу боис кўнглимизга яқин) эди.

Бир куни иккала домла троллейбусда ишга келишаётган экан. Манзилга яқинлашганда Озод ака Ғулом Каримовни огоҳлантиради:

— Домла, кейинги бекатда тушишимиз керак.

Ғулом Каримов бошини сал энгаштириб, кўзойнаги устидан Озод акага синчковлик билан қараб туриб, шундай дермиш:

— Сиз шундай деб ҳисоблайсизми, Озод Обидович? Менимча, бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим!

Жавоб тайёр

Шоир Абдусаид Кўчимов фарзандининг тўйига таклиф қилиш учун Дўрмонга — устоз Саид Аҳмаднинг дала ҳовлисига боради. Таклифномани қўлига олган устоз бошини саракарак қилиб, ўзича қойинади:

— Мен сени дуппа-дуруст бола деб юрардим, афсуски, сендан ҳам ёруғлик чиқмади.

— Ҳай, нима гап ўзи, устоз?

— Шунчалик саъй-ҳаракат қилиб, тўй бошлабсан, мени ҳам ўғлингга қўшиб уйлаб қўйсанг бўлмасмиди? Бир умр сени дуо қилиб юрардим.

— Яхши ният — ярим мол, устоз!

Абдусаид Саид Аҳмаднинг доимий ҳазилкаши, устоз ҳақида кўплаб латифалар тўқиган дилкаш шоир Азиз Абдураззоқни тўйга айтаркан, юқоридаги ҳазил-мутойибани эслатиб, дейди:

— Устознинг ана шу ҳазилига муносиброқ жавоб тополмадим-да, Азиз ака!

— Э, жавоб тайёр-ку! — дейди Азиз ака оҳиста жилмайиб.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Сизни уйлаб қўйиб, дуонгизни олардиму аммо келиндан бир умр қарғиш эшитардим демадингми?

Ярим кунга зўрға чидади

Ёзувчиларнинг Чорбоғдаги дала ҳовлисида шоир Йўлдош Эшбек қурган пахса кулба девори — қиш қировнинг қор-ёмғирида нураб, қулаб тушган эди, қўни-қўшнилар ҳашар қилиб, қайта тиклашади. Бу ишда камтар-камсуқум, ўта камгап ва ўта меҳнаткаш инсон — Шариф ака Холмуродов айниқса катта жонбозлик кўрсатади. Бир неча кун ўзи устачилик қилиб, ғишт теради. Йўлдош ўшанда «Сиз ҳам иморат қурганингизда қамишдан бел боғлаб хизмат қилодурман» дея катта ваъда беради. Ниҳоят, Шариф ака қурилиш бошланганда шоир ваъдасида туриб, «Бизга нима хизмат?» дея енг шимариб келади. Хуллас, иш бошланади.

Юқорида эслатилгандек, Шариф ака ўта камгап, Йўлдош эса ўта сўзамол, бир гапга тушиб кетса, сира тўхтатиб бўлмас эди. Ишлаб чарчамайдиган Шариф ака бу тинимсиз гаплардан безор бўлиб, гангиб қолади. Шу боис тушликдан кейин ийманибгина гап қотади:

— Йўлдош, раҳмат сизга, мана, шунчалик ёрдам бердингиз. Энди бу ёғини ўзим бир амалларман, сизга рухсат...

— Йўғ-э?! — Йўлдош бу гапларга ишонқирамайди. — Ахир битта ўзингиз... Ким лой олиб беради? Ким ғишт узатиб туради?

— Айтяман-ку, ўзим эплайман.

— Қийналиб қоласиз-да.

— Йўқ, қийналмайман.

Йўлдош қарайдики аҳвол жиддий, Шариф ака ҳазиллашмаяпти.

— Ахир мен уйдан сизникида ишлайман деб уч кунга жавоб олиб келганман. Уйга қайтиб боришим ноқулай. Овқат ҳам олмаганман. Энди нима қиламан?

— Сиз хавотирланманг, — дейди Шариф ака ҳижолатомуз жилмайиб. — Уч кунлик овқатингизни мен бераман, фақат...

— Мен сизни тушундим, Шариф ака, — дейди Йўлдош самимий кулимсираб. - Фақат бир илтимос — овқатни шу ерда — биргаликда баҳам кўрсак.

— Нега энди?

— Гапимни биров эшитиб турмаса, овқат егандай бўлмайман-да!

«Вот, проиграл!»

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кезлар эди. Таниқли мусаввир Рўзи Чориев устахонасида бир куни ҳамкасблар ўзаро гурунглашиб ўтиришаркан, ўрисча аралаштирмай гаплашишдан гаров ўйнашади. Ютқизган икки шиша ароқ олиши лозим эди.

Мундоқ қараганда ўрисча аралаштирмай гаплашолмайдиган санъат аҳли учун бу қийин синов эди. Айниқса, ўзи болалар уйида ўсган, Ленинградда таълим олган, асосан ўрисча муҳитда дунёқараши шаклланган Рўзи акага ҳам осон бўлмайди. Аммо мол аччиги — жон аччиги, ҳамма тиришиб, она тилига бегона сўзни аралаштирмай гапиришга интилади. Ниҳоят, рассомлардан бири қовун тушириб қўйди. Азбаройи суюниб кетган Рўзи ака беихтиёр хитоб қилади:

— Вот, проиграл!

Шодмон ОТАБЕК.

«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Инсон иззат-ҳурмати, халқ орасидаги обрўйи нима билан ўлчанади? Қайси фазилатлар инсон қадрини оширади? Бунинг учун инсон муҳтожларга меҳр-мурувватли, ваъдасига вафодор, мард, оқ кўнгил, ҳимматли бўлса эл-юртнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлади. Донишмандлар айтганидек: «Кимки ўз халқига эҳсон айлагай, обрўйини андин фаровон айлагай». Нималар инсонга хорлик келтиради? Давлатнинг заволи ва камоли нималарда? Яхшиларга хизмат қилишнинг хосияти нимада?

«Мулоқот» журнали келгуси йилда ҳам шу каби ижтимоий, фалсафий, диний, маънавий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт муаммоларини ёритишда давом этади. Жумладан, янги йил сонларида «Муқаддас китоблар», «Табаррук шаҳарлар», «Маърифат булоқлари», «Шарқ алломалари», «Буюк мутасаввуфлар» рукнида муҳаддислар, муфассирлар ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли илмий ва бадиий асарларни бериб боради. Янги йил сонларида Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Носир Хусравнинг «Сафарнома», Хожанинг «Гулзор», Жомийнинг «Рисолаи Мавлавий» асарларидан намуналарни эълон қилади. Шарқ маърифатининг асосларидан сабоқ берувчи «Чор китоб»нинг давоми берилади. Фуқароларнинг мактубларини ҳам журнал саҳифаларида ўқиб борасиз.

Азиз ўқувчиларимиз, Сизнинг интеллектуал, маънавий камолотингизга ёрдам бериш — бизнинг асосий мақсадимиздир.

«Мулоқот» журналига обуна шу йилнинг 31 декабригача давом этади.

Индексимиз:
844 — Якка тартибдаги обуначилар учун
845 — Ташкилотлар учун
ТАҲРИРИЯТ.

ҲИММАТ ЙЎЛИ — ҚАДРИЯТ ЙЎЛИ

Йиқилган кишини турғазиб қўйиш инсоний фазилат. Ночор аҳволга тушиб қолган одамнинг ўксик қалбига дардкаш, малҳам бўлиш инсоний бурчимиз. Бундай фазилатлар руҳига сингиб кетган халқимиз ҳамиша саҳий, кўли очиқ.

Мамлакатимиз Қизил ярим ой жамияти ёлғиз кимсалар, ногиронлар, етим болалар, ночор оилалар ҳақида парвона бўлиш мақсадида жамият жамғармасига умумиллий маблағ тўплаш ўн кунлигини бошлади.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар бўйича вазирлиги билан ҳамкорликда бошланган бу савобли ҳаракатни айни чоғда Қизил Хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ўн кунлик давомида республикамиздаги барча корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва фирмаларнинг ихтиёрий хайриялари ва оддий кишиларнинг эҳсонлари замирида савобли маблағ тўпланиши кутилмоқда. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раҳмдиллик тадбирида ҳаммани озми-кўпми ҳисса қўшишга чақирар экан, ҳамма жойда турли тадбирларни бошлаб юборди.

Жамият ҳайъати кишиларимиз қалби саховатли эканлигига комил ишонч умиди билан қарар экан, бу савобли тадбир самараси эзгуликка, мамлакатимиз истиқболига хизмат қилади, деб қарамоқда.

Бир бурдадан берса тўйдиради, деган мақол мазмунига назар солсак, ҳимматли ҳар бир одам баҳоли қудрат улуш қўшса ёрдамга муҳтож кишиларнинг бошларини силаш учун салмоқли маблағ йиғилишига шубҳа йўқ.

Озода МУҲИДДИНОВА,
Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси масъул ходими.

ЮТУҚЛАР КУТМОҚДА!

СИЗНИ ЭНГ КАТТА ЮТУҚЛАР КУТМОҚДА!

ЮТУҚЛАР КУТМОҚДА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Тошкент шаҳар "Наврўз" хайрия жамғармасининг "УМИД" пул-ютуқли лотереясини накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олинг!
Лотереянинг баҳоси 25 сўм.

Ушбу лотерея ўйинида:
5 та 1000 000 сўмлик
5 та 600 000 сўмлик
5 та 300 000 сўмлик
5 та 200 000 сўмлик
5 та 100 000 сўмлик
5 та 50 000 сўмлик
10 та 20 000 сўмлик
20 та 10 000 сўмлик
40 та 5 000 сўмлик
45 та 1 000 сўмлик
ютуқлар бор!

Лотереянинг ютуқлар тиражи 1998 йил 25-26 февралда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тиражда 45 миллион сўмлик ёки 505000 та ютуқ бор. Бу лотерея билетини 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси ҳамда бадавлат одам бўласиз!

"УМИД" хайрия

лотереяларини сотиб олишга шошилинг!

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!